



Ижтимоий ҳаёт соҳаларида ёшлар роли

Андижон Давлат Университети
мустақил тадқиқотчиси: Искандарова, Д.М

Тарихий тараққиётга назар солсак, унинг барча босқичларида ҳам янгилашиш, модернизация, инновацияларнинг тарқалиши амалга ошиб келган. Аммо ҳозирги замонда юқорида қайд этилган объектив жараёнлар ва ҳодисаларнинг ривожланиш тезлиги суръатлари ниҳоятда тезлашиб, миллий кадриятларнинг кучли трансформациясига сабаб бўлмоқда. Трансформация ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир этиб уни тубдан ўзгартирмоқда. Бу объектив амалга ошаётган жараёнлар албатта, миллий кадриятларнинг фундаменти ҳисобланган миллий онг, миллий дунёқараш, миллий менталитетнинг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. Айтиш мумкинки, бу жараён миллатнинг этник статусини ҳам хавф остига қўймоқда. Лекин онг, ижтимоий онг, жамият аъзоларининг тафаккурини ўзгартириш тезда амалга ошадиган жараён эмас. “Шунинг учун ҳам жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш узок муддатли жараён сифатида тушунилади. Узок йиллар мобайнида шаклланиб қилган кишилар онгини бир ой ёки бир йилда бутунлай ўзгартириш мумкин эмас. Эски тушунчалардан воз кечиш, янги қарашларнинг мазмун-моҳиятини англаш вақт талаб этадиган маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараён ҳисобланади”⁴⁹.

Ҳозирги кунда кадриятлар, ижтимоий ҳаёт соҳаларига ёшларнинг аксиологик муносабати каби муаммолар глобаллашув шароитида янада долзарблик хусусияти касб этиб бормоқда. Бу борада маданият ва маънавият соҳасида замонавий янги кадриятлар юзага келди. Масалан, ахборотлашув жараёнлари ахборот маданиятини шакллантиришни, инновацияларнинг тарқалиши инновацион онг ва инновацион тафаккурга оид кадриятларнинг янги элементларини, глобал маданият, маънавият глобаллашув шароитида шаклланаётган кадриятларга янги муносабат ва уларни қабул қилиш, модернизация жараёнига алоқадор кадриятларни англаб етиш ва

⁴⁹Минаваров С. Маънавий-маърифий ишларнинг демократик тамойиллар билан уйғунлиги. //Ижтимоий фикр.-Тошкент, 2009.№2.-Б.158.



уларнинг барчасига нисбатан ёшларда фаол ҳаётий муносабатни шакллантириш каби замонавий руҳдаги кадриятларни шакллантириш ва уларни турмуш тарзига мослашувини янада долзарб масалага айлантирди.

Таълим тизимида тарбия масалалари ҳам ана шу кадриятларга алоқадор тарзда амалга оширила бошланди. Чунки янги шароитда тарбиянинг ўзи янгича кадрият сифатида ўзини намоён эта бошлади. Демак, таълим-тарбия тизимида ҳам моҳияти бошқача бўлган усуллар, ёндашувлар, назария ва амалий тажрибалар бу соҳаганинг янги аксиологик элементлари сифатида намоён бўла бошлади.

Миллат ва миллий муносабатлар ўзининг миллий чегараси билангина чекланиб қолмайди. Аксинча, миллат ўзи каби бошқа миллатлар билан ўзаро муносабатларга кириб, уларнинг тараққий этган ижобий жиҳатларини ўрганиб ва ўзлаштириб боради. Турли миллатлар ўртасида маданий диалогнинг мавжудлиги барча томонлар учун ҳам муҳим бўлиб, миллатни ўзинигина қобиғига ўралиб қолиш хавфидан сақлайди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос моддий ва маънавий турдаги ҳамда иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий, эстетик ва бошқа шакллардаги кадриятлари бўлиб, улар бу миллатнинг ҳаётдан ажралмас атрибути, моҳиятини белгиловчи жиҳатидир. Бу кадриятлар дунёнинг турли миллатлари ва ҳудудларида юзага келган умуминсоний кадриятлар тизимидан ўрин олиши мумкин. Яъни уларнинг намоён бўлиши умумийлик ва хусусийлик диалектикасига асосланган ҳолда ўзини намоён қилиши ва шу орқали умумбашарий кадриятларнинг ўзига хос элементи сифатида мавжуд бўлиши мумкин.

Бу борада жамият томонидан уларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, ёшларни тарбия қилиш, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва реализация қилиш учун имкониятларнинг мавжудлиги каби муаммоларнинг ҳал этилиши муҳим бўлиб, уларни ёшлар билан бирга жамият, давлатимиз ва муаммоларни ҳал этишга мутасадди ҳисобланган маҳаллий давлат ташкилотлари амалий фаолият олиб боишлари зарур. Ўзбекистон мустақиллик эришгандан буён ёшлар тарбияси Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати диққат эътиборининг марказида бўлиб келган. “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга



эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормокда⁵⁰.

Сўнгги вақтларда мамлакатимиз Президенти ва ҳукуватимиз томонидан қайд этилган муаммоларни ечишга қаратилган бир қатор Фармонлар ва Қарорлар қабул қилинди.

Маълумки, ёшлар ва айниқса, талаба ёшлар жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим омилларини, имкониятини ҳамда салоҳиятини келажакка узатувчи ва ташувчи ўзига хос ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Талаба ёшлар жамият келгуси тараққиётида зиёлилар қатламини ташкил этувчи гуруҳ ҳисобланади. Бу гуруҳ мамлакатнинг ва миллатнинг келажакда халқаро ижтимоий маконда эгаллайдиган ўрни, обрўси ва бошқа жамиятлар билан ўзаро муносабатларини қандай бўлишини белгилаб берувчи вазифани бажаради. Шу билан бирга талаба ёшлар жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий тараққиётига катта таъсир этувчи бўлажак зиёлилар гуруҳининг давомчиси сифатида ўзини намоён этади. Чунки талаба ёшлар фаолиятдан келиб чиқиб, жамиятга янгиликларни, инновацияларни олиб келувчи ва уларни тарқатувчи, модернизация ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан бирга уларни фаол ҳаракатлантирувчи субъекти ҳамда ижтимоий кучини ташкил этади.

Талаба ёшлар ҳали олий маълумотга ёки бирор касб-ҳунарга эга бўлмаса-да, маълум интеллектуал салоҳият орттирган бўлиб, бу салоҳият уларнинг билим олиш даврида янада ортиб боради. Бугунги замонавий постиндустриал тараққиёт, инновациялар даврида ёшларнинг катта қисмини олий маълумотга эга бўлиш, билим олиш ҳамда тарқалаётган энг янги ахборотларга биринчилардан бўлиб эга бўлиш орқали, уни ўзлаштиришга ундамоқда. Ҳозирги тобора тез суръатлар билан тараққий этаётган юқори динамикага эга бўлган жамият ёшларнинг барча интилишларини нафақат қўллаб-қувватлаш, уларни рўёбга чиқариш учун моддий ва маънавий шароитлар, имкониятлар яратиш ҳамда эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга

⁵⁰Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар-бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳхал қилувчи кучидир// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1.-Т.: Ўзбекистон, 2017.- Б.504-505.



бўлиб бормоқда. Бунинг учун талаба ёшлардан асосан билим олишга интилиш, замонавий билимларга эга бўлиш ва уларни амалиётда қўллаш орқали мамлакатимиз ва миллатимиз тараққиётига фаол ҳисса қўшиш талаб этилмоқда.

Ёшларнинг алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганиш бўйича турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда турли йўналишларда амалга оширилмоқда: биологик, фалсафий, социологик, психологик, демографик ва бошқалар. Мазкур ижтимоий гуруҳни “ёшлар” сифатида тавсифланиши турли даврларда ўзига хос бўлган. Бу борада ёш инсонлар билан ёши катта ёки қари инсоннинг чегарасини аниқлаш ҳам турли ёндашувлар ва назариялар асосида амалга оширилган⁵¹. Чунки тарихий даврнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг ёш даражаси ҳам турлича бўлган. Ёшларнинг ижтимоийлашиб боришига боғлиқ равишда уларнинг жамиятда эгаллаб турган ўрни, зиммасига юклатилган ижтимоий масъулият, улар томонидан бажариладиган вазифалар ҳам турлича белгиланган. Бунга мисол қилиб мамлакатимиз тарихида бўлиб ўтган инқилоб даврлари, советлар даврида ички ва ташқи душманга қарши кураш, уруш даврида фашизмга қарши кураш, кейинроқ чўл ерларни ўзлаштириш, ўз вақтида ҳарбий хизматни ўташ, қайта қуриш, мустақилликдан кейинги даврда устувор ҳисобланган иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг мустақиллигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларни бажариш кабиларни келтириш мумкин. Санаб ўтилган тарихий жараёнларда ёшлар доим ҳам катта маъсулиятни ўз зиммасига олгани ҳолда олдинги қаторларда бўлганликлари маълум. Демак, жамият тарихининг даврлари хусусиятларидан келиб чиқиб, ёшлар зиммасига юклатилган ва улар бажариши талаб этилган вазифалар турлича бўлган. Ёшлар деярли барча тарихий даврларда ҳам жамият олдида турган мазкур вазифаларни бажариб, она Ватан, жамият, ёши катта авлод, ота-оналарининг ишончини оқлаб келганлар.

Ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатидаги асосий хусусиятларини ўрганиш борасида уларнинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ жиҳатларини ҳисобга олиш зарур,



деган фикрлар ҳам бор. Албатта, бўлажак шахснинг шаклланиши унинг болалигидан бошланиб, боланинг ижтимоийлашуви мунтазам амалга ошиб боради. Бу гуруҳнинг ёши жихатидан ўрганишда айрим муаллифлар ёшларнинг ижтимоийлашувини охирига етмаган жараён сифатида тасаввур этиб, уларнинг ёши бу жараённинг охирига етганлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Бу масалага алоқадор равишда болалик ва ёшлик чегарасини аниқлаш масаласи ҳам юзага келади. Болалик ва ёшликни белгилаб берувчи қандай ўзига хос хусусиятлар ёки жихатлар орқали бу даврларнинг чегарасини аниқлаш мумкин? Аслида бундай чегарани қатъий аниқлашнинг мезонлари ёки тамойиллари мавжудми, бу жараёнда қандай ҳодисаларнинг таъсирини ҳисобга олиш зарур, деган саволларнинг юзага келиши табиий.

Ёшлар, уларнинг ёши муаммосини тўғри тушуниб етиш учун инсоннинг болалик даври масаласига тўхталамиз. Маълумки, ҳозирги даврда ёш болаларнинг биологик жихатдан тез ривожланиб бораётганлиги ҳам болалар ва ёшларнинг ёши масаласини ҳал этишда турли баҳсларга сабаб бўлмоқда. Россиялик олима инсон мияси функцияларини ўрганиш бўйича таниқли мутахассис, психоллингвист, нейропсихолог профессор Татьяна Черниговскаянинг фикрича, ҳозирги даврда болалар болалик даврини аввалгидек сезмаётганлиги, уларда бир томондан, биологик жихатдан тез ривожланиш ва иккинчи томондан, ижтимоий қариш жараёни юз бераётганлиги сабабли ҳозирги кунда болалик даври деярли ўта қисқариб кетган. Олима болаларда ўзига хос “қариш” муаммоси юзага келган, деб ҳисоблайди. Бунга сабаб сифатида болаларнинг ижтимоийлашув даври ҳозирги даврда ўта мураккаб эканлиги, ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг кучли таъсири болалик даврнинг моҳиятини ҳам ўзгартириб юбораётганлиги, ижтимоий ҳодисаларнинг болаларга босими, ахборот технологияларининг кучли ва зиддиятли таъсири ва уларни худди ёши катталарга ўхшаб муаммоларининг ўта кўплиги ва болалар бу муаммоларни ўзларича ечишга ҳаракат қилиши каби жихатларини келтиришади. Болаларга хос бўлган биологик жихатлар уларнинг асосий хусусияти бўлсада, улар ижтимоий жихатга тўла бўйсуниб, болалар ўзларини ижтимоий ва психологик маънода қари ҳисоблаб бораётганлиги ва бу даврни ижтимоий жихатлари асосида бошқарилиши ва

Google
Scholar

doi



CYBERLENINKA



тартибга солиниши янада кучайиб бораётганлиги ҳозирги кунда яққол кўзга ташланмоқда. Болалар ўзларини боладек ҳис этиши бугунги мавжуд янги ижтимоий маконда ва ижтимоий муҳитда аввалги даврларга нисбатан анча мураккаблашиб бораётганлиги бир қатор соҳа мутахассислари томонидан таҳлил этилмоқда.

Ахборотлашган жамият тараққий этиб боргани сари турли жамиятлар, халқлар, миллатларнинг ўртасидаги фарқнигина эмас, турли биологик ёшга мансуб бўлган битта миллат ва бир хил жамиятнинг вакили бўлган болалар, ёшлар ва катталарнинг ҳам ўртасидаги ўзаро фарқларни тобора камайтириб бормоқда. Болалик даври фалсафий нуқтаи назардан олиб қараганда ижтимоий дунёнинг бир бўлаги бўлиб, болалик кечаётган ижтимоий дунёнинг барча хусусиятлари: иқтисодий муаммолари, моддий ва маънавий маданияти, ахлоқи, таълим тизимининг хусусиятлари, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар каби ижтимоий ҳодисалар болалик даврига таъсир кўрсатади. Болаликнинг давомийлиги жамиятнинг юқорида қайд этилган хусусиятлари ва муаммолари билан боғлиқ. Бу даврда боланинг келажакда шахс сифатида шаклланиши билан боғлиқ бўлган нафақат биологик, ижтимоий кўникмалари ҳам шаклланади.

Боланинг ўзига хос хусусиятлари уни ёш инсон сифатида шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Чунки болалик ёшлиқдан аввалги давр бўлиб, унда акс этадиган жамиятнинг ижтимоий хусусиятлари ёшлиқ даврининг ҳам ўзига хос хусусиятларининг асоси сифатида намоён бўлади.

Талаба ёшларнинг олдида талаба бўлмаган ёшларга нисбатан кўпроқ вазифалар туради, дейиш мумкин. Чунки уларнинг ўқишни тугатиши, маълум касбга эга бўлиши, жамиятда мутахассислиги бўйича иш топа олиши, барқарор ҳаётни бошлай олиши, жамиятда маълум эркинликларга эга бўлиб ўзини “эркин шахс” сифатида ҳис эта бошлаши, мустақил ҳаёт бошлаши, ўзини мустақил деб ҳисоблай олиши, оила қуриши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлганилиги ҳамда мустақил эканлигини ҳис эта олиши ва бошқа муаммоларни мустақил тарзда ҳал этиши зарур бўлади. Бу жараён талаба ёшларнинг ижтимоийлашувининг муҳим босқичи ҳисобланади. Бу



вазифаларни амалга оширилиши кечагина талаба ҳисобланган шахсга жамият ва атрофидаги инсонлар олдида ўзига хос статусни эгаллаши орқали амалга ошади.

Ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатида ёшини аниқлашда ҳам турли ёндашувлар мавжуд. Асосан ёшликнинг даврини кўпчилик мазкур соҳа мутахассислари социологлар, психологлар, демографлар ва бошқалар томонидан 14-16 ёшдан бошланиб 25-30 ёшда якунланиши таъкидланади